Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 13 сентябр Шанба. № 71 (14463)

## ЭЪТИРОФ

*Бухоро, Самарқанд, Хива каби жаҳон хазинаси жавоҳирларига эга Ўзбекистоннинг бой маънавий ўтмиши ва тарихига қизиқишимиз нақадар кучли бўлса, мамлакатингизнинг бугунига бўлган қизиқишимиз ҳам асло ундан қолишмайди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришди. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши, жамиятда юз бераётган демократик ўзгаришлар Бельгияни Ўзбекистон билан яна ҳам кенг ҳамкорлик қилишга чорлаётир.*

**ЖАН-ЛЮК ДЕХАНИ,**
**бельгиялик давлат арбоби**

# ФАХР

## Фестивалдан кейинги ўйлар

Бу кеча мен узоқ талабалик даврларимни эсладим...

Журналистикада «Умумлаштирувчи мақола» деган гап бор. Бирор муҳим воқеа ё жараён ҳақида кўп гапирилади, ёзилади, сўнг кимдир уни умумлаштиради, яъни сарҳисоб қилади. Бундай мақола Халқаро миқёсдаги воқеа ҳақида бўлса, одатда «фалон мамлакатдан фалонча одам қатнашди, фалон ғоялар олға сурилди, фалон-писмадон натижаларга эришилди» қабилида фикр юритилади. Бу каби мақолани ёзиш қийин эмас, чунки барча фактлар, сизгача билдирилган фикр-мулоҳазалар қўл остингизда. Лекин воқеанинг асл, туб моҳияти ҳақида ёзиш осон эмас...

* * *

Шундай қилиб Ғоя олға сурилди. Воқеа содир бўлди, у муваффақият билан якунланди. Аммо асосий Иш энди бошланади. Чунки Ғоя ҳаётбахш эди, содир бўлган Воқеа эса улкан ишга дебоча бўлди...

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли бошига биринчи кундан маънавиятни қўйган Президентимиз, сўнги йилларда бу ҳақда бир нечта фармону қарорлар чиқарди. Бирорта китобида маънавиятни четлаб ўтмаган йўлбошчимиз бу сафар нафақат ўз халқининг, балки воқелик тасдиқлаганидек, бутун Шарқ халқларининг кўнглидаги Ғояни ўртага ташладилар. Самарқандда «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказамиз, дедилар. Номини ҳам, жойини ҳам, асосий шартларини ҳам ўзлари айтдилар. Нима учун Самарқандда деганда ғурурдан, фахрдан кўзлари ёнди. Шарқнинг нафаси уфуриб турган яна қандай шаҳар бор бу дунёда Самарқандга етадиган. Яна қайси мамлакатда мусиқага Регистондай ҳайкал бор, дедилар! Ўзлари ёндилар, бизни ёндирдилар. Бунга ўша суҳбатда қатнашганлар гувоҳ...

* * *

Ғоя Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилаётган ҳаво кемаларида Шарққа қанот ёзди, Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилаётган қушдек енгил «Нексия» автомобилларида самолётларга кеч қолган меҳмонларни Тошкентдан Самарқандга ташиди. Шарқда бошланган бу ҳаракатга ўз-ўзидан Ғарб қўшилиб кетди. Чунки Ғоя, дунёвий, умуминсоний эди. У санъатда миллийликни улуғлаш билан бир қаторда шарқона анъаналарга, умуминсоний қадриятларга чорлар эди. Ўзбекнинг зарбоф тўнини бутун зиёфат давомида ечмай ўтирган ЮНЕСКОнинг маданият ишлари бўйича Бош директори, ушбу нуфузли ташкилотдан келган беш кишидан иборат делегация раҳбари, архитектура доктори, катта олим ва ташкилотчи Креспо Торал жаноблари тўлиб-тошиб «Мен ҳозир Клавихони кўз олдимга келтиряпман, озгина бўлса ҳам унга ўхшадимми?» деганида мен бунга тўлиқ амин бўлдим. «Сиз Клавихога ўхшаганингиздан фахрлансангиз юртимга, жаҳонга Соҳибқирон Амир Темур қайтганидан мен юз баравар, минг баравар фахрлансам арзийдими?» дедим унга. «Арзийди, арзийди, арзийди!» деди у.

«Арзийди, арзийди!» кўтарилди Ғурур турфа рангли, турфа либосли юзлаб хорижликлар буюк аждодим пойига сидқидилдан гуллар қўйганда...«Фахрлан, фахрлан!» қалқди ифтихор фестивалнинг тантанали очилиш маросимидан сўнг икки-уч кун хорижликлар тилидан тушмаган «фантастик, шок!» деган ҳаяжонли сўзлардан...Энди яноқларим худди мени ўпгандай ғолиба озор қизи Симара Имонова Регистонни тоширган халқимга қараб «ўпиюрам ҳаммангизни» деганда юрак юракдан...

Кўнглим юртим тоғларидай кўтарилди Ўзбекистондан конкурс иштирокчилари аниқланаётганда Муножат Йўлчиеванинг «Ҳар хил гаплар юрибди, ўзингиздан билгани келдим, фестивалга келаётганлар бўш эмиш. Ўзимизнинг юлдузлар конкурсда қатнашмас эмиш. Лекин менинг фикрим бошқа. Юртимизда шундай катта фестивал бўлгандан кейин бўши келадими, зўри келадими, конкурсда қатнашишни, Ўзбекистонимиз санъатини намойиш қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан», деган сўзларини эшитиб...

Ўзбекнинг мард қизи, дунёга донғи кетган суюкли фарзанди, ўз Ватанига ошиқ қизи майдонга чиқди, ҳалол курашди. Жюри аъзолари унга ҳам Бош мукофот - Гран-При беришнинг иложини топиша олмади. Ягона Бош мукофот совриндори эса уни ўзига устоз, деб билди.

Конкурс иштирокчиси Марям Сатторова эса гул олиб озар синглисини табриклашга ошиқди. Яна бир мард ўзбек ўғлони, машҳур созанда, бастакор Абдуҳошим Исмоилов эса Хитойдан келган, одамлар кўриб: «Ие, уларнинг ҳам Абдуҳошими бор экану деб юборган» ҳамкасбига тасанно деб, минглаб одамлар билан тўлиб тошган Регистон майдонини кўкка кўтариб юборган қарсаклар билан қифояланди...

Мана сизга ўзбекнинг тантилиги. Ўзини ҳам зўр билиши, зўрга тан бериши. Бундан ҳам фахрланмай бўладими!

Чошгоҳдан ярим тунгача танлов натижаларини ниҳоясига етказа олмаган, тун бўйи мижжа қоқмаган, қора кўзлари киртайган таниқли олим - ҳайъат раиси Харуми Кошиба хоним эрта тонгда узр сўраб эшигим қоқди. «Кўп фестиваллар кўрганман дунёда, ўн мамлакатдан келган жюри аъзолари ҳам кўпни кўрган одамлар, лекин бу қадар қийин бўлмаган. Қийинлиги дастурларнинг бир биридан гўзаллигида. Муҳлат беринг яна озгина», деди. Кўксим тўлди яна фахрга. Фахр босди «шув» этган юрагимни, чунки шу кеч фестивалнинг ёпилиши куни. Кўзлари ола-кула, натижаларни кеча кун бўйи кутган, турган-битгани истеъдод Баҳодир Йўлдошев келди кўз олдимга. Қандай улгуради бечора гала-концертга?... Ахир, ҳеч бўлмаса бир марта репетиция қилиш керак. Қандай улгурамиз бошқа, бир қараганда майда, лекин кўп вақт талаб қиладиган ташкилий ишларга?...

Устун чиқди фахр. Илтимос, тезроқ дедим, холос. Тезроғи - яна тушликкача бўлди тортишув. Хайрият, натижалар Кошиба хоним айтган дастурлардай гўзал чиқди. Улкан масъулиятдан эркакларча сабот билан ўтган нозик аёл Кошиба хонимнинг кўзларида севинч ёшлари...

Бундай дамларда Оллоҳнинг ўзи қўллайди. Режиссёр ҳам улгурди, бошқа ўнлаб хизматчилар ҳам. Яна Президентнинг гаплари ёдимга тушди. «Тушунаман, қийин бўлади. Бу ёқда август охири - «Ўзбекистон - ватаним маним» қўшиқ байрами, энг улуғ байрам - Мустақиллик куни, булар билан баровар кунларда «Шарқ тароналари». Лекин ҳаракат қилинса, ҳаммасига улгурса бўлади. Бир-бирига уланиб кетса, катта, лекин битта меҳнат бўлади...»

Айтганларидай кўз қўрқоқ, қўл ботир. «Ўзбекистон - ватаним маним» қўшиқ байрамининг якунловчи босқичида вилоятлардан келган 800 га яқин иштирокчи, Мустақиллик майдонида 2000 га яқин, Самарқандда мингдан ортиқ фидойи санъаткорлар, маданият ходимлари, қурувчи-ю, дизайнерлар. Тинимсиз меҳнат. Катта, лекин бир йўла қилинаётган меҳнат. Халқни, миллатни бирлаштираётган меҳнат. Бундай ишларнинг унча-мунча мамлакатда амалга ошиши амри-маҳол эканлигини кўрсатувчи, кўтаринки руҳ бағишловчи улкан меҳнат.

Мустақиллик менга нима берди, деб эмас, мустақилликка мен нима қилиб бердим деб, ўз халқининг мўътабар орзу-умидлари, ноёб санъати оламга намоён бўлишини чуқур англаб, жон-дилидан қилинаётган меҳнат...

Бир оёғи Тошкентда, бир оёғи Самарқандда бўлди ўнлаб фидойиларнинг. Уларнинг ичида эл кўзига суртган санъаткорлар ҳам, уларнинг ортида туриб, уларга таянч бўлиб хизмат қиладиган турли касб эгалари ҳам, ўнлаб ҳомийлар ҳам бор эди. Фахр!

60-70 қизини бағрига босиб бугун Самарқандда, эртага Тошкентда индин яна Регистонда саҳнани тўлдириб гурсо-гурс қилаётган Юлдуз Исматованинг ҳеч нарса билан солиштириб бўлмас меҳнат шижоати... Қандай қилиб фахрланмасин буни кўриб турган инсон...

Бу даврда Тошкентда, Самарқандда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари-чи? Ўша кунлари ўтган Бухоро Нефть заводи тақдимоти-чи?

Жюри аъзоларининг Президентга йўллаган миннатдорлик мактубида катта ҳарфлар билан ёзилган «Сизга, муҳтарам Президент, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН учун, дунёга очиқ Ўзбекистон учун, келажаги муқаррар ЎЗБЕКИСТОН учун ташаккур билдирамиз», деган сўзлар юртбошимизнинг, халқимизнинг сўнги йилларда қилаётган, буюк меҳнатига берилган баҳо эмасми?

Фестивал доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъати муштараклиги» мавзуида ўтган илмий конференция иштирокчилари қабул қилган Декларацияда ҳам шундай баҳо бор. Улар ЮНЕСКОга, Халқаро Мусиқа Кенгашига, Халқаро анъанавий Мусиқа Кенгашига Мурожаат қилиб, Ўзбекистоннинг маданий-маърифий соҳаларда эришган ютуқларини эътироф этиб, бу ерда етарли шарт-шароитлар борлигини тан олиб, фестивални доимий оталиққа олишни, Ўзбекистонда Осиё болалари мусиқаси Халқаро фестивалини, мактабларда мусиқий таълим услубиятини марказий Осиё мамлакатларига ёйиш мақсадида Халқаро семинар ўтказиш ва ҳоказо тадбирларни тавсия этгани-чи?

Дарвоқе, бу конференция яна бир ҳақиқатни, яъни «Шарқ тароналари»дай фестивал фақат мустақил Ўзбекистон шароитидагина юзага чиқиши мумкинлигини тасдиқлади. Нега энди, бунга нима ҳожат бор эди, ўз-ўзидан маълум-ку бу нарса, дейишингиз мумкин. Афсуски, ҳали ҳам ҳожат бор экан. Мустақиллик нима эканлигини олти йил ўтиб ҳам теран тушунмаган, тўғрироғи, ўтмиш юкидан ҳали ҳам халос бўлмаган фуқаролар ўтиш даврида бўлиши табиийдек туюлади. Аммо бундай фуқаролар ичида зиёлиларнинг, айниқса санъаткорларнинг бўлиши кишини ажаблантиради.

Фестивал арафасида ва у ўтаётган кунларда ҳам бир пайтлар Самарқандда ўтган мақомчилар симпозиумларини унга тенглаштирган, бундай фестиваллар олдин ҳам бўлган эди, деган фикрлар билдирилди.

Собиқ империянинг Ўзбекистонни социалистик жамият қурилиши лабораторияси деб эълон қилгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Бу «соявон» остида юртимизда ёзувчилар конференциялари, кинофестиваллар, турли анжуманлар, шу жумладан мақомчилар симпозиумлари ўтиб турарди. Бу тадбирлар ипидан игнасигача Москвада тузилар ва уларни бошидан охиригача марказдан келган одамлар бошқарар эди. Тошкент Халқаро кинофестивалининг деярли барчасида бевосита у ёки бу юмушни бажарган ижодий ходим сифатида биргина мисол келтирай. Фестивал дастурига кирадиган фильмлар Москвада кўрикдан ўтказилар, чет элларга фильмлар танловига ҳам улар борар, бир нечтагина сафарга, номига, бизнинг ижодкор ходимлар ҳам қўшиб қўйиларди. Фестивални ўтказишга эса Москвадаги кино ташкилотларининг катта-кичик ходимлари-ю қабулхонадаги котибаларигача Тошкентга кўчиб келишарди. Баъзан хорижлик кўпми, москваликми, фарқига бормай қолардик.

Шердор мадрасасида атиги 5-6 хорижий мамлакатдан келган ижрочилар, асосан Москва ва собиқ Иттифоқ республикаларидан келган олимлар бир неча юз томошабин иштирокида эрталаб мажлис, кечқурунлари эса концерт ўтказишарди. Оммавий ахборот воситалари асосан чет элларга бонг уришар, ҳужжатли кино усталари эса махсус фильмлар тайёрлаб беришарди. Бу анжуманлардан кўзда тутилган мақсад: мана, кўриб қўйинг, советлар миллий маданиятга қандай яхши муносабатда, дейиш, деганда ҳам шу сиёсат билан айрим мамлакатларни социализмга ташвиқот қилиш эди.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали очилган куннинг эртасига оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот конференциясида «бундай фестиваллар аввал ҳам ўтган» деган фикрга юқоридагича изоҳ берилганда залдагилар қарсак чалиб юборгани бу оддий ҳақиқатни нафақат ўзимизникилар, балки чет эллардан келган журналистлар ҳам яхши билганликлари далолати эмасми?

Фестивал давомида хорижий мухбирлар ўз юртларига узатган хабарларида бундай улкан байрам аввало Мустақил Ўзбекистоннинг ютуғи эканлигини қайта-қата қайд этаётганичи!

Халқимизда, қозонда бўлса-чўмичга чиқади, деган гап бор. Шарт-шароитлар, тажриба, шунга яраша иқтисодий, маънавий салоҳият бор эканки, конференцияда жаҳон миқёсидаги тавсиялар пайдо бўлибди.

Бугун тавсия, эрта-индин амалга ошадиган ишлар бу! Ўзбекистон билан баравар ишлайди ўша нуфузли Халқаро ташкилотлар ҳам дегани бу!

...Ғоянинг ютуққа эришувига ишонардик. Шундай бўлди ҳам. Ғоя аввалдан Кашфиёт эди. Шундай бўлди ҳам. Кўҳна Регистон ёшариб кетди. Бу Ғоя бир ҳафта турли тилларда, турфа дилларда жўш урди.

Самарқанд кўчаларида ҳар кеч Халқ оқди дарё бўлиб, Самарқанд кўчаларида ҳар кеч Шарқ оқди дарё бўлиб. Бу дарёнинг 33 ирмоғи бўлди. Мана ман деган 33 мамлакатдан 270 санъаткорни бағрига босиб Халқим оқди кўчаларда. Турфа рангли, турфа либосли одамлар ирмоғи кўчалардан, Регистондан ташқари яна беш муқаддас майдондан тошиб ҳовлиларга кирди. Ўзбекнинг қалбидек ланг очиқ дарвозаларни, доим ёзилган тўкин дастурхонни, дунёга довруғи кетган тўй-ҳашамларни кўрди бу ирмоқлар.

Катта-кичик ҳокимлари, раҳбарлари бошлиқ елиб-югурган меҳмоннавоз самарқандликларни кўрди бу ирмоқлар.

Оққан дарё - оқар, дейдилар. Энди оқаверади бу дарё. Ирмоқлари кўпаяверади,худо хоҳласа. Чунки дебоча дунёга очилди, Дунё кириб келди бу дебочадан. Дунё олиб кетди ўзи билан гўзал Ғояни, кўз ўнгида амалга ошган улкан байрамни. Қайтажак ирмоқлар дарёлар бўлиб, чунки Олам кўрди байрам масканини, Олам кўрди булбул сайраган юртни - Ўзбекистонни!

Ўзбекнинг ўймакор устуни узра тилла булбул кетди дунёнинг неча мамлакатига. Унинг тамғаси бор - «Шарқ тароналари»! Унинг ғояси бор - миллатни кўтар! Ўзини англаган миллат ўзгага зуғум қилмас, ўзгага қул ҳам бўлмас. Ўзини англаган миллат ўзгага фақат дўст бўлади. Бу дегани - дунёда тинчлик дегани. Ғоянинг кучи шу қадар оддий ва буюк ҳақиқатда экани бутун дунёга намоён бўлди. Энди уни фақат меҳнат мустаҳкамлайди.

Фестивал ташаббускорининг иш энди бошланди, деганлари шундан.

**Хайрулла ЖЎРАЕВ,**
**«Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивали Бош директори, Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби**
**/ЎзА/**

## БИЗНИ ВАТАН КУТАДИ



## Шу сонга хабар

### ИХЛОСМАНДЛАР МАМНУН

Юртимизда истеъдодли ёшларнинг илм олиб изланишлари, ижод қилишлари учун етарли шароитлар яратиб берилган. Яқинда Наманган Давлат Университети бадиий графика факультетининг бешинчи курс талабаси Ҳакимжон Рўзиевнинг ''Ватан ҳисси'' деб номланган кўргазмаси очилди. Унда таниқли санъатшунос олимлар, профессор — ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.

Ёш истеъдодни ''Кенглик'', ''Сокинлик'', ''Кўксарой'', ''Мамай'' каби асарлари ниҳоятда сержилолиги, фалсафий теранлиги билан тасвирий санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига тортмоқда. Кўргазма университет маънавият бўлими ташаббуси билан ташкил этилган.

**Маъсуд ЗИЁХОН**

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ислом КАРИМОВ жаноб олийларига

Муҳтарам Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!

Теннис ўйинидан сўнг мени табриклаганингиз, Сизнинг менга бу қадар катта эътибор ва муносабат кўрсатганингиздан кўнглим тоғдай кўтарилди. Чунки, ҳаётимда биринчи марта буюк давлат Президенти менга бунчалар эътибор бериб, самимий сўзлар айтди. Бунинг учун сизга катта раҳмат!

Ўзбекистон халқининг ўз раҳбарини нечоғлик яхши кўриши, қўллаб-қувватлаши ҳам мени ҳайратга солди. Бу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда самимий учрашув бўлди.

Сизга бахт-саодат, баҳодирона сиҳат-саломатлик, машаққатли ва олижаноб ишингизда янги-янги ютуқлар, давлатингизга равнақ, буюк халқингизга фаровонлик тилайман.

Яна бир бор самимий ташаккуримни қабул қилгайсиз!

**Евгений КАФЕЛЬНИКОВ,**
**Ўзбекистон Президенти кубоги учун IV халқаро теннис турнири иштирокчиси (Россия).**

## Ғунча

### ЁРУҒ КУН

*Осмондан тизилиб ўтди турналар,*
*Қўшиғида менинг орзуларим бор.*
*Соғинчдан тизилиб маржондек улар,*
*Оппоқ булутларга осилиб борар.*
*Менсиз ёлғизоёқ сўқмоқларимда*
*Болакайлар чопиб юради хушҳол.*
*Ҳовлида юз очган гул қатларида,*
*Сочилиб ётади соғинчли ифор.*
*Менсиз тонг уйғонар, кунларни бошлаб*
*Отам дуоси, онам кўнглида сабр.*
*Улар ишонарлар -- шундай кун келар --*
*Қизи шоир бўлар бир ажабтовур.*
*Бу ўлка қўйнида ўша кун бордир,*
*Яқинми, йироқми бордир ўша кун*
*Отамга, онамга умидлар ёрдир,*
*Осмондан тизилиб ўтди турналар,*
*Ўша ёруғ куннинг борлиги учун...*

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**Тошкент Давлат университети I-курс талабаси**

## Теннис

### МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Шаҳримизнинг гўзал масканларидан бири бўлмиш Юнусобод теннис кортларида П.Т.А. таснифи асосида ўтаётган Президент Кубоги ҳам янги ном олди. Чорак финал саралаш босқичида немис спортчилари Кристиан Сакиано ва Борн Падекларни ўзининг ажойиб ўйини билан доғда қолдирган россиялик Андрей Столяров, Борис Беккердай менежери бўлган, турнирни еттинчи ракеткаси П.Т.А. таснифининг кучли юзлигидан жой олган яна бир германиялик Николас Кейферни ҳам мағлуб этди. Асосий ўйинларда швейцариялик Иво Хойбергерни мағлуб этган, юртдошимиз Олег Огородовни енган Столяров энди ҳамюрти машҳур Евгений Кафельниковга рўбарў бўлди. Муросасиз ''квали файн'' учрашувларини ортда қолдириб кучлилар турнирига йўлланма олган ўзбекистонлик Дмитрий Томашевични эса Евгений Кафельников ютди. Шундан сўнг исроиллик Нир Велгринни ҳам Д. Томашевичдек 6/4, 6/2 ҳисобида Женяга ўйинни бой берди. Велгринни саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб П.Т.А. таснифида 175 ўринда бўлган италиялик Кристиано Караттини 6/4, 6/2 ҳисобида мағлуб қилганди.

Швецариялик Марк Россе россиялик Андрей Черкасовни 6/4, 6/2 мағлуб қилди, кейин П.Т.А. да 138- бўлган италиялик Винченсо Сантопадрени ютди. Сантопадре эса россиялик Андрей Миронов устидан ғалаба қозонганди. Марк Россе энди марокашлик Хишам Арази билан ўйнайди. Хишам Арази ўз навбатида парагвайлик Рамон Делгадони ютди сўнг П.Т.А. да 136-бўлган руминиялик Разван Сабауни ютган, П.Т.А.да 146-бўлмиш австриялик Стефан Коубек билан учрашиб уни ҳам мағлуб қилган. Олий соврин учун мусобақалар давом этмоқда.

**М.ЗИЁХОНОВ,**
**''Туркистон'' мухбири**

## МЎЛ ХИРМОН ТАРАДДУДИ...

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги''Савай'' қишлоқ хўжалик саноати уюшмасининг 2-жамоасига қарашли Саодатхон Нурматова бошчилик қилаётган бригада жонкуярлари ёш теримчилар фидойилиги туфайли йиллик режани 5 кунда бажардилар. Бригада аъзолари 40 гектар майдонга Андижон усулида- плёнка остига чигит қадаб, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар.

Қўрғонтепалик зарбдорлар ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга астойдил бел боғлаганлар.

**Зумрад АБРОРОВА.**

## ФЕСТИВАЛЬ ЮЛДУЗИГА...

Қутловлар... тинимсиз қўнғироқлар... оппоқ кабутарлардай сен томонга учиб бораётган мактублар... Буларнинг ҳаммаси сени соғинган юраклардан келаётган хабарлар холос, Симар! Қайсидир мухлисинг дастхат учун энтикиб тутқазган китобчага боқиб қўлларинг титраб кетади. Кўҳна Самарқанд ҳақида сўйлагувчи китобдаги ажойиб суратлар сенинг қалбингдаги сувратингни худди ўзгинаси.

Сенинг эътиборингу бир дам хаёлга толганингдан мухлисинг кўнгли кўтарилади ва сўзларингни ручка изидан бирма-бир кўз югуртириб ўқиб чиқади.''Ман Самарқанд чўх суюрам. Самарқанд сизга ҳам бахт версин. Гўзал озар тилида ғушиқлар версин!''

Мовий гумбазлари кўкка туташган миноралар алдамагай, сен миллионлар соғинган қўшиқдирсан балки, азиз тенгдошим.

Айтмишларки, Яратган Одамга най навоси ила жон бағишлаган экан. Мен ана шу гапга ишонгим келади. Балки най навосидан жоннинг ўз-ўзини соғиниб тўлғониши шундандир. Мусиқийдан фақат ва фақат оппоқ тонглару маъсум ва гўзал гуллар ифорининг кўнгилга оқиб кириши-чи.

Сен кўпроқ мусиқийга ошно яратилганинг билан бахтлисан, Симар! Сенга ҳавасим келади. ''Шарқ тароналари''ичра минглаб юракларга ташриф буюрмоқ осон эмас.

Қутловлар. Навбатдаги телефон қўнғироқлари яна сени безовта қилади. Унинг овозига эшик қўнғироғининг безовта жаранги қўшилади. Хонангга кириб келган навбатдаги оппоқ кабутарнинг қутловини қабул эт! Бу мактуб сенга Ўзбекистон Ёшларидан!...

**МУХТАСАР**

